O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 2 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 32 (7332)

Da'vat

Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир

Томас КАРЛЕЙЛЬ.

Ibrat

Сирдарё вилоят прокуратураси ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"да тарбиялана-ётган 98 нафар болани вилоят ташкилотлари ҳомийликка олишди ва бу болаларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб уч ярим минг сўмдан пул қўйилди.

ЖИЗЗАХДА «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

"БАРКАМОЛ АВЛОД" СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни "Баркамол авлод" нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуғ ютуқларидан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги анъаналарни бошлаб бераётгани билан ҳам қадрлидир. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингизга, халқимизга хос мардлик, тантилик ва баҳрикенглик хислатларини кўрсатиб, маънавиятингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз—Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз—буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!

Ишонаманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз—Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз—буюк юрт фарзандларисиз.

МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ МАШҲУРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Шу ҳафтанинг бошида Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида 30 апрель — 5 май кунлари ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг финал босқичига старт берилди. Мазкур мусобақаларнинг машъаласи Чотқол тоғ тизмаси бағридаги сўлим гўшалардан бири Паркент туманининг баланд тепаликларида жойлашган "Қуёш физикаси" илмий ишлаб чиқариш марказида тантанали равишда махсус ритуал асосида ёқилиб, унда республика вазирликлари ва идоралари, ҳомий ташкилотлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ушбу тизим ўқув муассасаларидан сараланган энг яхши 112 нафар спортчи ўғил ва қиз ҳамда уларнинг 14 нафар мураббийлари иштирок этдилар.

Ушбу кун мамлакатимиз тарихида, хусусан Ўзбекистон спорти тарихида мустақиллик шарофати ила илк маротаба ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига асос солинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ОЎМТВнинг ЎМКҲТ Маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ана шу ҳамкорликдаги тадбирлар жумласига киради.

Мамлакатимиз ЎМКҲТ тизимидаги ўқув муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи ёшларни жисмонан етук ва аҳлоқан пок, Ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, миллий спорт турларига ёшларнинг қизиқиши ва эътиборини кучайтириш, ўқувчи ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар йили ўтказилиши кўзланаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг бу йилгиси уч босқичда ташкил этилди.

Биринчи босқич жойлардаги ҳар бир илм даргоҳида, яъни мамлакатимиз таълим тизимининг ўрта бўғинидаги 824 та таълим масканининг спорт базаларида ўтказилиб, ана шу дастлабки саралаш мусобақаларида жами 267670 нафар ўқувчи-талаба иштирок этди. Барча гуруҳлар, бўлимлар орасида спортнинг асосий 7 та тури бўйича ташкил этилган ушбу спорт мусобақалари оммавий тус олиб, унда ҳар гал Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз садолари янгради. Хусусан, пойтахтимизда 46700 нафар, Қашқадарё вилоятида 39341 нафар, Сурхондарё вилоятида 11500 нафар, Фарғона вилоятида 34439 нафар ва бошқа вилоятларда ёш спортчи йигит-қизларимизнинг фаол иштироки ушбу мусобақаларнинг нуфузини ошириб юборди. Иккинчи босқич жойларда ўқув муассасаларияро ўтказилиб, унда 93000 нафардан зиёд энг кучли спортчилардан ташкил топган терма жамоалар қатнашдилар. Ва ниҳоят, "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг учинчи, финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ЎМКҲТ бошқармалари ўқув муассасалари ўртасидан муносиб сараланиб олинган терма жамоалар аъзолари ҳамда ҳакамлар билан тренерларни қўшиб ҳисоблаганда жами 1876 нафар киши иштирок этмоқда. Улар спортнинг волейбол, баскетбол, кураш — халқаро қоидалар бўйича ҳамда фарғонача усул бўйича, футбол, енгил атлетика, теннис, сузиш каби еттита асосий тури бўйича беллашадилар.

— "Баркамол авлод" спорт мусобақалари — таълим муассасаларида жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ривожлантириш, ёшларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига кенг жалб қилишга қаратилган, — деди Паркентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари, "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ташкилий қўмитаси раиси Жуманазар Ҳусанов. *— Бу спорт мусобақалари ўқувчиларда ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик фазилатларини тарбиялайди. Шунингдек, жаҳон спорт ареналарида Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганова каби Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тайёрлашга, заҳиралар яратиш ҳамда спортни оммавийликка айлантиришга замин ҳозирлайди. Шу билан бирга бу мусобақалар ўқувчиларимизда миллий ифтихор ва миллий ғурур ҳиссини уйғотиб, спорт турларига эътиборни оширади ва соғлом турмуш тарзини яратишга бевосита туртки беради. Ана шунга асосланиб айтадиган бўлсак, "Баркамол авлод" спорт мусобақалари — бу ўзига хос тарбия мактаби ва жисмоний тарбияни амалга ошириш манбаидир.*

Мазкур спорт байрамининг юртимиз бўйлаб байрамона кўтаринки руҳда давом этиши ва унинг очилиш маросимини юқори савияда ташкил қилиш мақсадида мусобақаларнинг машъаласи тантанали равишда Паркент туманидаги "Қуёш физикаси" марказида 29 апрель куни эрта тонгда ёқилди. Саховатли қуёшнинг заррин нурларидан техникавий қурилмалар ёрдамида ёқилган машъаланинг айни қуёш нурларидан олиниши бу асрлар қаъридан бўй чўзиб турган аждодларимизга хос бўлган ҳалоллик, поклик, саховатлилик, содиқлик, жасурлик, мардлик, яхшилик ва шижоатлилик тимсолидир. Шунингдек, бу жараён Она-заминнинг келажагини ёрқин, қуёш нурларидан баҳра олаётган боғ-роғлардек фаровон, келажакни фалакда чарақлаб турган қуёшдек озод ва обод кўриш, катта авлод вакилларининг машъалани ёқиб, ёш авлодга топшириши эса юртимизда барча эзгу ишларнинг узвийлигини англатади. Ана шундай маросим буюк истиқлол туфайли вужудга келган янги қадрият ҳисобланади. Мусобақа ташкилотчиларининг таъкидлашларича, бу маросимнинг асосий мақсади ўқувчиларни мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга тайёрлаш ҳамда уларни жисмоний жиҳатдан давримиз талабига тўла жавоб берадиган соғлом маънавиятли инсон қилиб вояга етказишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда)

Hay'at majlisida

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида фанлар бўйича ўқувчилар Республика олимпиадаси натижалари, иқтидорли болаларни аниқлаш, ўқитиш, қўллаб-қувватлаш ишлари самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ

Кейинги йилларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва тарбиялаш мақсадида муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган ташкилий-педагогик ишлар ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ тарзда мамлакат миқёсида иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизими яратилди. Хусусан, иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитишнинг ташкилий-педагогик услубиёти, уни бошқарув тизими шакллантирилди ва ривожлантирилди. Таълим тизимида ихтисослашган мактаблар, мактаб-интернатлар ташкил этилди. 2000-2001 ўқув йилида Республика бўйича гуманитар, аниқ ва табиий фанлар йўналишида 390 та ихтисослаштирилган мактабда 163367 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 315-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида (2 та), Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида қўшимча тарзда тарих фани чуқур ўқитиладиган махсус ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига 2000-2001 йилларда 23 нафар истеъдодли ўқувчи-қизлар сазовор бўлдилар.

Кейинги беш йил мобайнида дунёнинг қатор давлатларида ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида қатнашган иқтидорли ўқувчилардан 9 нафари олтин, 12 нафари кумуш, 36 нафари бронза медалларига сазовор бўлишди, 12 ўқувчи рағбатлантирувчи дипломларни қўлга киритишди.

Шу даврда Американинг "АКСЕЛС" ташкилоти ўтказган танловда ғолиб чиққан 450 нафардан зиёд IX-X синф ўқувчилари бир йил муддатда АҚШ таълим муассасаларида таҳсил олиб қайтдилар. Германия, Франция, Япония каби дунёдаги энг ривожланган хорижий давлатлар билан таълим соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларга хорижда таҳсилни давом эттириш имкониятлари яратилди.

Ўқувчилардаги қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқаришда мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларнинг, кўрик-танловларнинг ўзига хос ўрни бор. Истеъдодли ўқувчилар кейинги уч йил ичида Ҳиндистондаги "Шанкар", Япониядаги "Болалар дунёни асрайди" расмлар кўргазмасида, Бангладешдаги "Болалар санъати фестивали"да бош совринларни қўлга киритдилар

(Давоми 2-бетда)

ҚУЛОЧГА СИҒДИРСАМ САМОНИ

Баҳор-гул фасли, туйғулар фасли, фаслларнинг асили. Моҳиятан баҳорга тегишли камалак ғунча, шудринг, шабнам каби сўзларнинг ўзиёқ кишини тўлқинлантириб юборади.

Авжи баҳорда ижодкор-муаллимларнинг ҳам илҳоми қайнайди. Мана, ўнинчи йилдирки, фусункор баҳорнинг илҳомбахш кунларида юртимизнинг энг кўнгли нозик, таъби нозик муаллимлари бир жойга йиғилишиб, мушоираю мунозарани қизитадилар, бир-бирларига кўзгу бўлиб, фикрлашиб оладилар.

Анъанавий ижодкор ўқитувчилар анжуманининг бу йилги машварати юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан бири — Ургут туманида бўлиб ўтади. 3—4 май кунлари бу ерда жўшқин қалб соҳиблари тўпланадилар.

Эътиборингизга уларнинг сара ижод намуналаридан 4-саҳифада ҳавола қилмоқдамиз.

МОЗИЙ ДУРДОНАЛАРИ НАМОЙИШИ

"Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим", дея хитоб қилади шоир. Аждодларимиз тарихи, интилишлари ҳақида уларнинг моддий иньикоси — мозий дурдоналари сўйлаб, "пинҳон тарих" ҳақида ҳикоялар айлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон. Мозий дурдоналари" мавзуида кўргазма ташкил этилди.

Ушбу кўргазма бутун жаҳонга мустақил Ўзбекистон давлатининг қадимий ва бой тарихга эга эканлигини намойиш этади. Кўргазмалар намойиши апрель ойидан бошланиб, октябрь ойигача давом этади.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросими олдидан 30 апрель куни Темурийлар тарихи Давлат музейида оммавий ахборот воситалари, илм-фан ва жамоатчилик вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, академик Беҳзод Йўлдошев олиб борди. Т.Ширинов, Э.Ртвеладзе, Ў.Исломов, Ю.Буряков, М.Исҳоқов, Н.Ҳабибуллаев, М.Ҳасанов каби тарихчи-олимлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

*Кўргазма икки бўлимдан иборат бўлиб, унда 200 дан зиёд оригинал экспонатлар намойиш қилинмоқда. "Қадимги аждодларимиз тарихи" бўлимида инсоният тарихининг қадимги даври ҳақидаги маълумот Фарғона вилояти Сўх туманидаги Селенгур ғорида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёвий далиллар асосида берилади. Олимлар олиб борган тадқиқотлар ва бу топилмалар одамзот Ўзбекистон ҳудудида бундан 1 миллион 200 минг йил аввал яшаганлигини кўрсатади. Кўргазмада бошқа ёдгорликлардан топилган турли иш қуроллари, кулолчилик, заргарлик буюмлари намойиш этилади. Айниқса, Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан топилган ашёвий далиллар Ўзбекистонда шаҳар маданияти бундан **3,5-4 минг** йил аввал шакллганлигини, шунингдек, давлатчилик қадимдан ташкил топганини кўрсатади.*

Қадимги аждодларимизнинг ҳаётий тушунчалари ва диний эътиқодлари ҳақида ҳикоя қилувчи лой ҳайкалчалар, митти остодонлар, тош буюмлар, иккита илон тасвирланган қимматбаҳо қора тош (херезолит)дан ишланган "тош тумор" кўргазмадан жой олган. Кўргазмада илк бор милоддан аввал I-II асрларга оид аслзода аёл қабри-

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

✦ **Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 3-5 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлади.**

✦ **Жиззахда "Баркамол авлод" спорт мусобақалари тантанали очилиш маросими билан бир вақтда гуманитар йўналишдаги янги академик-лицейнинг ҳам очилиш маросими бўлиб ўтди.**

✦ **Москвада ўзбекистонлик ва россиялик ҳужжатли кино усталари томонидан яратилган янги асарлар тақдимоти бўлиб ўтди.**

✦ **Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Миср Президенти ва Иордания қироли билан учрашувдан сўнг тўрт кунлик ташриф билан АҚШга йўл олди.**

✦ **Россияликларнинг космик кемасида самога илк бор саёҳатчи сифатида парвоз қилган америкалик Деннис Тито россияликларга 20 миллион доллар тўлади.**

✦ **Хитой ҳукумати намояндалари хориж журналистларига шу йилнинг 1 апрелидан буён Хайнан оролида ушлаб турилган Америка айғоқчи самолётини суратга олишни таъқиқлади.**

✦ **Филиппин суди мамлакатнинг собиқ президенти Жозеф Эстрада устидан олиб борилаётган суд жараёнларини шу йилнинг 27 июлига қолдирди.**

✦ **Аргентинада юз берган авиаҳалокатда 10 нафар йўловчи, жумладан, La Nasijn газетаси редактори Герман Сопенья ва йирик ишбилармон Агостино Рокка ҳам ҳалок бўлди.**

Энг муҳими, завод раҳбарияти мактабга бекиёс ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Биргина ниҳоясига етган йилда бу миқдор 13,5 миллион сўмни ташкил этди.

Республика олимпиадаси натижаларига кўра, Тошкент шаҳри 11 фандан совринли ўринларни эгаллаб, олдинги йиллар эришган натижалардан ҳам ўзиб кетди.

Ma'rifat

МОЗИЙ ДУРДОНАЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Милодий I асрлардан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида тарқалган буддавийлик динига оид ноёб топилмалар: Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа (I-II асрлар) ва Қоратепадаги (III-IV асрлар) ибодатхоналардан топилган лой ҳайкаллар, Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа ёдгорлигидан топилган ноёб санъат асарлари, тошдан ўйиб ишланган Будда ва лойдан ишланган Ботхисатва ҳайкаллари ҳам кўпчиликни ўзига жалб этмоқда.

Кўргазмадан ислом дини, ислом маданиятидан ҳикоя қилувчи қўлёзма китоблар, кулолчилик буюмлари, меъморий обидаларнинг суратлари жой олган. Қуръони каримнинг куфий хатида битилган IX аср нусхаси, шунингдек, буюк алломаларимиз Ибн Сино, Абдураззоқ Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан яна бир ноёб ашёлар — Юнон-Бақтрия давлатидан то Бухоро, Хива, Қўқон хонликларигача бўлган Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг танга пуллари жой олганки, улар давлатчилик рамзларидан бири ҳисобланиб, Ватанимиз тарихининг даврлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбекистон. Мозий дурдоналари" кўргазмаси ўзбек цивилизациясининг яна бир намойиши бўлиб, буюк келажакка интилаётган давлатнинг қадим ва буюк ўтмишга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳусан НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ МАШҲУРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Машъалани Ўзбекистон спорти ривожига муносиб ҳисса қўшган машҳур боксчи Руфат Рисқиев ёш спортчиларга топширгандан сўнг, уни "Қуёш физикаси" илмий ишлаб чиқариш маркази ҳудудидан спортчи йигит-қизлар ўнг қўлида баланд кўтариб, бир-бирига ўтказиш орқали олиб чиқди. Шу тариқа Паркент — Янгиобод — Қўйлиқ — Ўртаовул — Янгийўл — Гулбаҳор — Олмазор — Чиноз — Сирдарё — Бахт — Гулистон — Наврўз — Шодлик — Сардоба — Пахтаобод — Чаманзор — Учтепа — Жиззах йўналиши бўйича белгиланган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус билим юртлари ва техникумлар спортчи-ўқувчилари машъалани қўлма-қўл кўтарган ҳолда ҳар 250-500 метрда навбатдаги спортчига топширди. Ушбу жараён ана шундай тарзда Жиззах шаҳригача давом этди.

Шундай қилиб, Паркентда қуёш нурларидан ёқилган машъала Жиззахгача жами 278,2 километр масофани босиб ўтган бўлса, мана шу масофанинг 108 километри Тошкент вилояти, 17 километри Тошкент шаҳри, 103 километри Сирдарё вилояти ҳамда 50,2 километри Жиззах вилояти ҳудудига тўғри келди.

ҚУЁШ НУРЛАРИ ИЛА БОШЛАНГАН БАЙРАМ

Якшанба куни Паркентда бошланган тадбир ушбу тумандан то Жиззах шаҳригача бўлган ҳудудда яшайдиган одамлар қалбига кўтаринки кайфият бағишлаган катта байрам тантаналарига уланиб кетди. Айниқса, машъала олиб ўтиладиган ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳар, вилоятнинг бир ҳудуддан иккинчисига ўтиш жойларида уни кўтарган спортчи ўқувчиларни карнай-сурнайлар садоси остида маҳаллий аҳоли фаоллари, оқсоқоллар, таълим муассасалари ўқувчиларининг қўлларида гулдасталар, ранг-баранг байроқчалар, шарлар, халқимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги, жумладан спортни мадҳ этувчи шиорлар билан кутиб олиши мазкур спорт ўйинларининг оммавийлашувига, халқ томонидан қўллаб-қувватланишига замин яратди. Машъалани кўтарган ўқувчи йигит-қизларнинг қалбларидаги қувонч, ғурур, шарафли масъулият ҳиссини бир сўз билан таърифлаш қийин. Бу хусусда ҳали алоҳида тўхталамиз, албатта.

"Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими душанба куни Жиззах шаҳридаги "Сўғдиёна" марказий ўйингоҳида бошланди. Байрам тантаналари сабаб бу иншоот қайта таъмирланиб, бутунлай янги кўринишга эга бўлди. Шу куни тантаналар бошлангунча ўйингоҳда бўш ўрин қолмади. Ўйингоҳ узра мусиқа садолари янграб, майдон атрофида рамзий турфа гуллар очилди. Марказий минбарда бадиий фон берувчи қизлар "Barkamol avlod", "Jizzax — 2001" сўзларини турли хил рангда акс эттирдилар. Майдонга байроқ кўтарган бир хил кийимдаги йигитлар кириб келиб, "Баркамол авлод" қўшиғи оҳангига мос ҳаракатлар билан машқ бажардилар. Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва ушбу спорт ўйинлари байроғини олиб киришди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар вакиллари майдонда саф тортишгандан сўнг Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёев сўз олиб, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида илк бора ўтказилаётган ушбу мусобақаларнинг аҳамияти ҳақида гапириб, ёш спортчиларга омадлар тилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев Юртбошимизнинг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси ижро этилиб, байроқлар кўтарилди. Майдонга қуёш нурларидан ёқилган машъалани бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби Лазиз Зокиров олиб кириб, шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони Юлдуз Ҳамроқулова билан "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг машъалини ёқди. Мусобақа қатнашчилари тантанали равишда қасамёд қилдилар. Вилоятлар вакиллари мусиқа садолари остида саф тортишиб майдондан чиқиб кетганларидан сўнг, "Янги авлод оммавий спорт байрами" саҳналаштирилган бадиий-мусиқий дастури бошланди. Дастлаб майдонда бир вақтнинг ўзида ёш боксчи, курашчи, каратэчи, теннисчи, акробатлар, гимнастлар, футболчилар йиғилишиб, бадиий-мусиқий композиция ижро этишди. Тантаналар Ўзбекистон эстрада юлдузларининг катта концерт дастури билан якунланди.

* * *

Бугун Жиззах шаҳрининг марказий кўчаларию ҳиёбонлари, спорт мажмуаларию ўйингоҳлари байрам либосида. Мазкур мусобақалардан ўрин олган спортнинг еттита тури бўйича ғолибликка даъвогарлардан энг яхши спортчи ва энг кучли жамоани аниқлаб берувчи Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Пахтакор ва Бахмал туманларидаги спорт иншоотлари томошабинлар билан гавжум. Мусобақа қатнашчилари Жиззахда теннис, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, Ғаллаорол туманида футбол, Пахтакор туманида курашнинг иккита тури, Бахмал туманида эса волейбол бўйича ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Беллашувлар натижалари ҳамда мусобақа иштирокчилари учун ташкил қилинаётган маданий дам олиш тадбирлари ҳусусида газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири
Паркент — Жиззах

Суратларда: мусобақанинг очилиш жараёнидан лавҳалар.

Б.ТЎРАЕВ, А.РИСҚИЕВ (ЎзА) ва Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

СЕМИНАР РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда таълим соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Албатта, бундай ҳамкорликларнинг самараси кун сайин турмушимизда ўз аксини топиб, юртимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда. Зеро, дўстона алоқалар доимо тараққиётга етаклайди. Ўзбекистон—Олмония ҳамкорлиги ҳам бунга яққол далил. Зотан, бунга юртимизда фаолият юритаётган Олмония маданият марказининг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор.

Халқаро Гёте институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда яна бир эзгу ишга қўл урдилар. Улар юртимизнинг Самарқанд ва Наманган вилоятлари мактабларида немис тили фани ўқитувчиларининг касб маҳоратларини ошириш мақсадида май ойидан бошлаб икки ҳафталик ўқув семинари ташкил этишни режалаштиришди.

Ушбу семинар дастлаб Самарқанд шаҳрида ташкил этилиб, ўтган йили Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида олиб борилган ўқув дастурининг давоми ҳисобланади. Ўқув семинарини Мюнхендан ташриф буюрган Элизабет Роушер хоним бошқариб боради.

Ўқув дастури вилоят ва туман ўқитувчиларининг немис тили фанидан ўқувчиларга сабоқ беришларида янги методик услублар билан таништириш ҳамда олмон тилида жонли суҳбатлашиш имкониятлари яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Б.ЖОВЛИЕВ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ

Бундан ташқари, бошқа вазирликлар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "Ўйла, изла, топ!" каби ижодий танлов ва кўриклар ўқувчилардаги иқтидор ва қобилиятни ривожлантиришга хизмат қиляпти.

Жорий йилнинг 26-30 март кунлари 20 та умумтаълим фани бўйича Республика умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари олимпиадасининг якунловчи IV босқичи ўтказилди. Унда вилоят босқичида ғолиб чиққан 240 нафар ўқувчи иштирок этди.

Республика олимпиадаси натижаларига кўра, Тошкент шаҳри 11 та фандан совринли ўринларни эгаллаб, олдинги йиллар эришган натижалардан ҳам ўзиб кетди. Хоразм вилояти 7 та фандан ғолибларга эга бўлган ҳолда иккинчи, Наманган вилояти эса 6 та фан бўйича фахрли ўринларни қўлга киритиб учинчи ўринни эгалладилар.

Таҳлил шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳри, Хоразм, Наманган, Бухоро вилоятларида олимпиаданинг Республика босқичига вилоят ғолибларини тайёрлашга эътибор қаратилган. Жойларда "Олимпиада заҳиралари" мактаблари ташкил этилиб, уларга фаннинг етук мутахассислари жалб қилинган, мактабларда иқтидорли болалар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилган.

Республика олимпиадасида турли фанлар бўйича 1-3-ўринларни олган 58 нафар иқтидорли ўқувчи тегишли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бу йилги фан олимпиадаси натижаларини 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда, ўтган йилги мусобақа ғолиби Бухоро Фарғона, Навоий, Тошкент вилоятлари эгаллаган мавқеларини бой берганликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари олдинги йил даражасида қолганликлари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари биронта ҳам совринли ўринни эгаллай олмаганликлари маълум бўлади.

2000 йилги Республика олимпиадасининг якунловчи босқичида 8 ўқувчи энг юқори – 100 балл тўплаган бўлса, бу йил фақат 2 нафар қатнашчи юқоридаги натижани кўрсата олди, жами 240 нафар ўқувчидан 101 нафари ёки 42,1 фоизи 76-100 баллик натижага эга бўлиб, ўзини маълум даражада оқлади. Лекин 139 нафар ўқувчи ёки 57,9 фоизи 14 дан 75 баллгача тўплаб, вилоят босқичи натижаларини тасдиқлай олмадилар. Жумладан, Сирдарё (82 фоизи), Қашқадарё (77 фоизи), Тошкент (75 фоизи), Сурхондарё (74 фоизи), Жиззах (65 фоизи) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан (65 фоизи) келган иштирокчиларнинг аксарияти тегишли фанлар бўйича 75 баллдан паст кўрсаткичга эга бўлдилар.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади — Олимпиаданинг мактаб, туман ва вилоят босқичларида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ғолиб деб топилган ўқувчиларнинг Республика босқичида паст кўрсаткичларга эга бўлаётганлигига сабаб нима? Наҳотки, вилоят бўйича бир неча ўн минг ўқувчи орасидан танлаб олинган ўқувчининг билими шу даражада бўлса? Ҳар бир туманда бундай ўқувчиларга нисбатан билими кучлилари етарли даражада кўп. Фақатгина мутасадди масъул ходимлар туман, вилоят босқичлари олимпиадасини ўтказишда холисона ёндашишлари кифоядир.

Республика олимпиадасининг якунловчи босқичида қатор йиллардан буён физика, география, кимё фанларидан совринли ўринлар тўла эгалланмай қолаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ушбу фанлардан олимпиада натижаларининг паст бўлаётганлиги сабаблари ҳам ўрганилиши зарур.

Таълим муассасаларида қизиқиши ва қобилиятига қараб иқтидорли ўқувчиларга шарт-шароит яратиш, улар билан йил давомида мунтазам якка тартибда ишлаб бориш орқали олимпиадаларга тайёрлаш йўлга қўйилганми? Жойлардан олинган маълумотларга кўра, фан олимпиадаларининг мактаб босқичида 1,5 млн.дан ортиқ, туман босқичида 235 мингдан зиёд, вилоят босқичида 8534 нафар ўқувчи қатнашган. Шу ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлашда улар билан қай даражада шуғулланилган? Яширишнинг ҳожати йўқ, аксарият мактабларда қобилиятли ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланилмайди, уларни тегишли фан бўйича олимпиадага олдиндан тайёрлаб борилмайди. Олимпиаданинг мактаб босқичи ўтказилмайди ёки расмиятчилик юзасидан номига ўтказилади.

Юқорида қайд этилган вилоятлар ва муассасаларда тегишли фанлар бўйича олимпиаданинг мактаб босқичигина эмас, балки туман ва вилоят босқичлари ҳам талаб даражасида ўтказилмаган, ўқувчиларнинг дастлабки манбалар устида мустақил ишлаш, қўшимча адабиётларни мутолаа қилиш, мустақил фикрлаш, эгаллаган билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишлар етарлича йўлга қўйилмаган. Олимпиаданинг туман ва вилоят босқичлари масъулиятсизлик билан ўтказилган, олимпиада топшириқларини тайёрлаш мезонлари бузилган, жойлардаги бошқарма ва бўлимлар томонидан назорат ва амалий ёрдам сусайтириб юборилган, вилоят ғолибларини Республика босқичига тайёрлаш ишларига эътибор берилмаган. Бу ишда қатор вилоятлардаги (Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Навоий) малака ошириш институтлари, Республика ташхис маркази ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг фаол иштироки сезилмаяпти.

Шу нарса маълум бўлдики, Жиззах вилояти Зомин тумани мактабларига йўриқномалар ўз вақтида етказиб берилмаган, ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати таркиби тузилмаган, тест топшириқлари тайёрланмаган. Фарғона вилоятининг Бувайда, Боғдод туманларида тест топшириқлари пакетларга солиниб муҳрланмаган, баҳолаш мезонлари ва методик тавсиялар жойларга етказилмаган. Навоий вилоятининг Учқудуқ ва Кармана туманларида Низом талаблари бузилган, Кармана туманида олмон тили бўйича тайёрланган 48 та тестнинг жавоблари калитда нотўғри берилган. Тест топшириқлари сонини белгилашда ҳам ҳар хиллик мавжуд. Чунончи, Мирзачўл туманида инглиз тили, Тўрақўрғон туманида физика фанлари бўйича берилган тест топшириқларининг сони мезон талабларига мос эмас. Бундай камчилик ва нуқсонлар жойларда ўтказилган олимпиадаларнинг аксарият мактаб ва туман босқичлари учун хосдир.

Ҳайъат мажлиси фанлар бўйича олимпиаданинг Республика босқичи натижаларини атрофлича муҳокама қилиб, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, улар қобилиятларини ўстириш учун шарт-шароитлар яратиш, бу борада ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, фан олимпиадаларининг барча босқичларида иштирок этадиган ўқувчиларни пухта тайёрлаш ва олимпиада жараёнини ўтказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Жумладан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастуридан, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ўтказиб келинаётган олимпиадаларнинг ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда фан олимпиадаларини ўтказиш Низомини қайта ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида халқ таълими тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат мажлисини вазир Рисбой Жўраев олиб борди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Акбар БАҲРОМОВ,
Халқ таълими вазирлиги Матбуот марказининг масъул котиби

ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

Каттақўрғон туманидаги Каттақўрпа қишлоғида жойлашган 46-касб-ҳунар мактабида 30 нафарга яқин ўқитувчилар, 20 нафар ишлаб чиқариш усталари ёшларга таълим-тарбия бериб, касб-ҳунар сирларини маҳорат билан ўргатмоқдалар. Касб-ҳунар мактаби асосан туман агросаноат уюшмаси ва меҳнат биржалари учун ишчи кадрлар тайёрлайди. Ўқитувчи ва усталар ҳар 45 кунда ўқувчилар билимини синовдан ўтказиб, баҳолаб боришади. Булар рейтинг-балл системаси ва тестограмма асосида амалга оширилади.

Мактаб раҳбари Собиржон Одиловнинг ҳаракатчанлиги даргоҳда ишни замон талаблари даражасида олиб боришда қўл келмоқда. Мактаб биноси ва хоналар имконият даражасида қайта таъмирланган ва жиҳозланган. Раҳбарлар ва ўқитувчилар томонидан дарс ва бошқа машғулотлар кузатилиб, таҳлил қилиниб борилади. Билим масканида йил давомида турли мавзуларда кечалар, давра суҳбатлари, байрам тантаналари, меҳнат фахрийлари ва энг яхши касб-ҳунар эгалари билан учрашувлар ўтказилиб турилади.

Бу борада касб-ҳунар мактабининг Акмал Ризаев, Раҳматилла Каримов, Шаҳрибону Бердиева, Абдуҳофиз Ашуров каби ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарининг меҳнати таҳсинга сазовордир.

А.ЖАЛИЛОВ,
Х.ИСЛОМОВ

ҲОМИЙЛИК — КЕЛАЖАК УЧУН ҚАЙҒУРИШДИР

Бугунги кунда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мамлакатимиз иқтисодиётида нечоғли муҳим ва салмоқли аҳамият касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Қоровулбозор чўли бағрида мазкур йирик саноат гиганти билан бир вақтда аҳоли шаҳарчаси, завод ишчиларининг фарзандлари учун мактаб бинолари ҳам қад ростлаган эди. Айни пайтда мазкур илм даргоҳида улкан корхона ишчиларининг 400 нафардан ортиқ ўғил-қизлари таҳсил олмоқда. Уларга 30 нафар педагог фан сирларини ўргатаяпти. Бу масканда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Энг муҳими, завод раҳбарияти мактабга бекиёс ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Биргина 2000 йилда бу миқдор 13,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 3,5 миллион сўми таълим муассасасини капитал таъмирдан чиқариш учун сарфланган бўлса, 800 минг сўми мактаб ҳисоб рақамига кўчирилди. Қолгани эса кимё, физика кабинетларини жиҳозлаш, моддий-техника базасини янада яхшилашга сарфланди. Эътиборли томони шундаки, завод томонидан туман марказидаги 1-мактаб ҳисоб рақамига ҳам 250 минг сўм пул кўчирилди.

—Ёш авлод таълим-тарбияси учун ҳар ким қўлидан келган, имконияти кўтарган ҳиммат ва ёрдамини аямаслиги керак,- дейди завод бош директори, Олий Мажлис депутати Эгамберди Сайидаҳмедов. - Чунки бугун биз яратган моддий бойликлар, барпо этаётган корхоналар, амалга ошираётган ишларимизнинг эртанги кунини ана шу ёшлар белгилайди.

Бухорода "Мактаблар куни"ни ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори изчил бажарилаётганлиги, асосий эътибор амалий ишларга қаратилганлиги боис, нафақат Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, балки бошқа ҳомийларнинг ҳам таълим масканларига бўлган муносабати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Масалан, "Ўзнефтгазқурилишмаъмирлаш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти (жамият раиси Имом Мўминов) 5-мактабда 7 миллион сўмлик ҳажмда иш бажариб берди.

2-мактаб жамоаси эса "Ўзпармқурилиш" ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ҳаёт Ражабовдан беҳад мамнун. Негаки, унинг кўмаги билан бу маскандаги иссиқлик қувурлари таъмирланди. Қарийб 1 миллион сўмга яқин ҳажмда иш бажарилди. 4 нафар аёлочи ўқувчига мазкур ташкилот ўқув йили мобайнида 1,5 минг сўмдан стипендия бераяпти.

Сирасини айтганда, ҳозир ҳеч қайси жамоа маблағини ҳисобкитобсиз сарфламайди. Аниқ фойдани кўзлаб иш тутади. Қолаверса, бу — бозор иқтисодиётининг асосий талаби, — дейди биз билан суҳбатда Қоровулбозор туман ХТБ мудири Салим Абдуллаев. — Биз улардан миннатдормиз. Назаримда, ҳомийлар эътиборини жалб этишда ҳам ташаббусни мактаб, таълим тизими раҳбарияти ўз қўлига олиши керак.

Қоровулбозор ташкил топганига ҳали у қадар кўп бўлмаган туман. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ўртасида ястаниб ётган, чўл ҳудудида барпо этилган бу туманда атиги 7 та мактаб бор. Уларда ҳаммаси бўлиб салкам 3400 нафар қоровулбозорликларнинг ўғил-қизлари сабоқ олишаяпти. Барча таълим даргоҳлари билан ҳомийлар ўртасида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, амалий, доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, таълим муассасаларининг ўзлари ҳам бюджетдан ташқари маблағ топиш чораларини кўрмоқдалар, — дея суҳбатни давом эттиради С.Абдуллаев. — Бултур 4 та қишлоқ мактаби 43 гектар ер олиб чигит экди. Туман хирмонига 80 тоннадан ортиқ пахта териб топширилди. 1,5 миллион сўм даромад олинди.

Шу ўринда масалага бироз ойдинлик киритиш жоиздир. Вилоятда "Мактаблар куни"ни ўтказиш юзасидан тузилган мувофиқлаштирувчи кенгаш қарийб бир йил муқаддам ҳар бир таълим даргоҳига ер майдони ажратиб бериш тўғрисида қарор қилган эди. Шунга асосан мактабларга вилоят бўйича жами 394 гектар унумдор ер ажратиб берилди. 481 та умумий таълим муассасаси ўз ҳисоб рақамига эга бўлди. 434 та мактабда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди.

Аслида навқирон авлодда болаликдан меҳнат, бирор касб-ҳунар кўникмаларини тарбиялаб бориш бозор муносабатларининг муҳим талабидир. 3-мактабда 50 бош қуён парвариш қилинаётганлиги, 7-мактабда ҳам қуёнчилик ташкил этилганлиги, 4-мактабда сотиш учун ток қаламчалари етиштирилаётганлиги, қандолатчиликни йўлга қўйиш учун бўлаётган саъй-ҳаракатлар шу жиҳатдан ҳам алоҳида эътиборга молик. Таълим-тарбиянинг бу йўсин уйғунлиги ўқувчиларнинг она-заминга, табиатга меҳр-муҳаббатни кучайтиради. Туман ҳокимлиги ҳам "Мактаблар куни" муносабати билан таълим муассасаларига эътиборни янада кучайтирди. Масалага ҳомийлар диққатини жалб қилиш, юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда ҳам ҳокимлик (туман ҳокими Нарзулла Йўлдошев) ташаббускорлик кўрсатмоқда.

— Вилоятда "Мактаблар куни" натижаси сифатида юз бераётган ўзгаришлар кўп, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Салим Мухторов. — Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 13 минг нафардан ортиқ кам таъминланган оила фарзандлари кийимкечак ва дарсликлар билан таъминланди. 507 мактабда "Мактаб посбонлари" фаолияти йўлга қўйилди. Қарийб 1600 нафар иқтидорли ва жамоатчи ўқувчига стипендиялар жорий қилинди. 316 мактабда тадбиркорлик палатаси билан ҳамкорлик ўрнатилди. 415 та мактабда арзонлаштирилган комплекс овқатланиш йўлга қўйилди. 383 мактабда спорт шаҳарчалари ташкил этилди. Мактаб кутубхоналарини Президентимиз И.Каримов асарлари, бадиий-сиёсий адабиётлар билан бойитиш мақсадида китоб йиғиш 10 кунлиги эълон қилиниб, отаоналар, жамоатчилик, ҳомийлар кўмагида 171 минг нусха китоб тўплашга муваффақ бўлинди. Вилоятда 33 та ошхонаси йўқ мактаб, 1131 та синф хонаси етишмаслиги муаммосини ҳашар йўли билан ҳал қилишга киришилди. Ҳар бир шаҳар ва туманда биттадан "Таянч намунали мактаб" вужудга келди. Янги ўқув йилидан бошлаб 20 нафар ўқувчи вилоят ҳокими стипендиясини олаётир.

Вилоят ҳокимлиги томонидан "Йилнинг энг намунали мактаби" танлови эълон қилиниб, таълим муассасалари фаолияти ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этилди. Унда Бухоро шаҳридаги 9-мактаб (директори Муҳиба Сатторова) биринчи ўринни эгаллади ва компьютер билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган Ғиждувондаги 16-мактаб (директори Ҳамид Бафоев яқинда халқ таълими бўлими мудири вазифасига тайинланди) ва Ромитандаги 43-мактаб (директори Абдураззоқ Шукуров) жамоалари эса мос равишда 300 ва 150 минг сўм пул маблағлари билан тақдирландилар. Таълим-тарбияга бундай муносабат тизим ходимларини янада фаоллаштиришга, ислоҳот жараёнларини жадаллаштиришга, бутун куч ва тажрибани ёш авлод камолотига қаратишга ундамоқда.

Таҳлимга бу таҳлит эътибор келгусида ёшлар камолотида, истиқлолга юз тутган Ўзбекистонимизнинг, унинг кичик ҳудуди сифатида қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро заминининг тобора чирой очишида муносиб самара топиши муқаррар.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Tajriba

МАКТАБДАГИ ДАРАХТЗОР

Инсон ҳаётини она-табиатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, битта ўсимликни олиб қарайдиган бўлсак, у саноат учун хомашё; бутун жонзот учун озиқ-овқат ва кислород манбаи. Маълумотларга қараганда, бир туп дарахт тўрт кишига етарли даражада кислород ишлаб чиқарар экан. Шаҳар ва қишлоқларимизни боғ-роғларга буркаш, ўсимлик турларини кўпайтириш инсон соғлиги учун қайғуришнинг бир кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг "Мактабларни боғ-роғларга айлантирайлик" ташаббуси жойларда қанот ёймоқда. Хусусан, мана шу тадбирлардан бири яқинда Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Тоир Дадашев номли 128-мактабда ўқитувчилар, ўқувчилар ва Республика ёшларининг "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси ходимлари иштирокида ўтказилди. Бу шанбаликни ўтказишдан мақсад мактаб ҳудудини кўкаламзорлаштириш, уни яна ҳам гўзаллаштириш эди. Бу шанбалик давомида мактаб боғига олма, ўрик, анжир, хурмо, гилос, олча, тоғолча, шотут, олхўри, бехи ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари, атиргул, изгирд ва сирен экилди.

Мактаб ҳовлисини яна ҳам гўзаллаштириш учун ушбу шанбаликда 8-"А" синф ўқувчилари фаол қатнашдилар.

М.БЕРДИЕВА,
Республика ёшларининг "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуасининг услубчиси

Аслида аналий натижалар кўрилдими? Албатта йўқ, акс ҳолда орқамдаги қизча кўз ёши тўкиб, она бечоранинг дилини хуфтон қилмас эди.

Қайсики билим даргоҳида ўз касбини жондан севадиган, билимдон ва малакали муаллимлар меҳнат қилар экан, шубҳасиз, бу мактаб жамоаси ютуқларга эришиб бораверади.

ҲУСН ЛИБОСДА ЭМАС

Трамвайда хаёл суриб кетар эканман, орқамда ўтирган ёши улуғроқ аёл киши ҳамда ёшгина қизчанинг гапларига беихтиёр қулоқ тутдим. Чунки улар ниманидир тортишиб боришарди.

—Ойи, дугоналаримдан қаерим кам?—қизчанинг овози йиғламсираб чиқди.

—Вой қизим-а, ижарангам қурсин, нега тушунмайсан ахир? Жуда қиммат-ку, нақд ўн беш минг-а болам. Ахир бу пулни мен икки ой меҳнат қилиб топаман. Сен эса бир кунлик ўтириш деб дилимни хуфтон қилаяпсан. Бир кунга кийишга ўн беш минг-а...

Улар бироз жимиб қолишди. Ҳойнаҳой қиз аразлаб индамай кетаётган бўлса керак. Мен она-боланинг жанжаллари сабабини дарров англадим. Ахир ҳадемай мактабларда сўнгги қўнғироқ, яъни хайрлашув оқшоми бўлади. "Хайрлашув оқшоми" нақадар ҳаяжонли кун. Ушбу кунда эндигина балоғат ёшига етаётган йигит-қизлар мактаб билан, ўзлари учун қадрдон инсонлар—устозлари билан хайрлашадиган кеча. Демак орқамдаги тихирлик қилаётган қизча ҳам "сўнгги қўнғироқ" ташвишида. Бе-ихтиёр неча маротаба "Оталар сўзи—ақлнинг кўзи" кўрсатуви орқали намойиш этилган кўрсатув кўз олдимдан ўтди. Ушбу видеофильмда ҳам икки оила, бири ўзига тўқ, иккинчиси фақатгина ойлик маош билан кун кечирувчи оиланинг қизлари ҳақида гап боради. Театр актёрларининг зўр маҳоратлари билан намойиш этилган воқеаларни сизларга эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Чунки ундаги воқеалар ҳар биримизнинг хонадонимизга бир неча маротаба кириб борди, анчагина шов-шувли мунозараларга сабаб бўлди. Аслида амалий натижалар кўрилдими? Албатта йўқ, акс ҳолда орқамдаги қизча кўз ёши тўкиб, она бечоранинг дилини хуфтон қилмас эди.

Бир танишимнинг ҳаётида ўчмас из бўлиб қолган воқеадан жуда таъсирландим. Унинг отаси бевақт оламдан ўтиб, укалари билан онаси қўлида ёлғиз қолишибди. Ўнинчи синфни битираётганда, хайрлашув оқшомига атлас кўйлагини кийиб борибди. Уни кўрган дугоналари "Вой, нега атлас кийиб келдинг. Ахир бугун "Хайрлашув оқшоми" бўлса", дея уни изза қилишибди. Укаларининг ризқини қияолмай онасини ўйлаган ўша танишим кийимидан уялганидан эмас, балки шунча йиллардан бери бирга ўқиган, катта бўлган, унинг оилавий шароитини била туриб устидан мазах қилган дугоналаридан хафа бўлиб, уйга қайтиб кетибди. Синфдошлари ўз айбларини тушунгач, ундан кечирим сўраб уйига боришибди. Лекин дарс кетган чинни бутланса-да ямоғи қолади, деганларидек, кўнгли қаттиқ ўксиган қиз оқшомга боришдан бош тортибди. Азиз газетхонлар, бу ҳам катта фожеа. Манманлик, мақтанчоқлик танишимнинг ҳам, уни тушунмаган синфдошларининг ҳам дилхираликларига сабаб бўлган эди.

Мактаб—муқаддас даргоҳ. Инсон зоти борки, шу даргоҳ чашмасидан қониб-қониб сув ичади. Вужудини қамраган илм булоғидан қонгандан сўнг мактаби билан хайрлашиб мустақил ҳаётга қадам қўяди. Мени бир нарса қаттиқ изтиробга солади. Эндигина етилиб келаётган ёш-ёш йигит-қизларнинг "Хайрлашув оқшоми"да келин-куёвлардек ўта ясаниб, турли бўёқларни чаплаб боришлари шартмикан.

Азиз ота-оналар ва мураббийлар, ҳали ҳам кеч эмас. Фарзандларимиз мактаб остонасидан кета туриб манманлик, мақтанчоқлик, ўзига бино қўйиш сингари либосларда чиқиб кетмасинлар. Зеро "Камтарга камол" деган нақл бор. Келажак авлодимиз камтар, орқа-олдини ўйлаб иш кўрадиган, фикр-мулоҳазали бўлганларидагина бизнинг Мустақиллигимиз, фаровон турмушимиз янада гуллаб-яшнайверади. Менинг юракдан ёзаётган самимий илтимосимни халқ таълими ходимлари, ота-оналар эътиборсиз қолдирмайдилар, деб умид қиламан.

Раъно МАҲМУДОВА

Siz nima deysiz?

КАМТАРЛИК — ИНСОН КЎРКИ

Кийиниш маданияти мактабдаги тарбия жараёнининг энг муҳим бўғинидир. Келажаги баркамол бўлишини истаган ҳар бир ота-она фарзандини камтарона кийинтириши лозим. Камтарлик инсоннинг кўрки, одамни лоқайдликдан йироқлаштирадиган, инсонни улуғлайдиган фазилатдир, дейди доно халқимиз. Зеро биз ҳам ўқувчини ёшлигидан оддий, шарқона кийиниш меъёрларига амал қилган ҳолда тарбиялашимиз лозим.

Қизларимиз кундан кунга Ғарбий Европа услуби ва модасига тақлидан кийинишга ҳаракат қилиб, кўп ҳолларда ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё, ибо, латофат, андиша, уят деб аталмиш шарқона фазилатлардан йироқлашиб кетмоқдалар. Бу ҳолат қизларимиз қалбидан камтаринлик деб аталмиш олийжаноб фазилатни сиқиб чиқармоқда. Қизларимиз ўта калта юбкаларда, ҳарир кофталар, узун бўлса ҳам ёни ва орқаси қирқилган юбкаларда юришни одат қилиб олдилар. Бу эса мактабдаги юқори синф ўқувчи йигитлари ва эркак ҳамда аёл ўқитувчиларни ноқулай аҳволга солиб қўймоқда.

Қадим-қадимдан бизга ота-оналаримиз устозлардан ўтказиб кийинманг, уларнинг ҳурматини оёқ-ости қилган бўласиз, башанг кийинсангиз айрим камхарж оилаларнинг фарзандлари бўлган тенгдошларингизнинг кўнглини ўкситиб қўясиз, деб қайта-қайта уқтириб келишганку.

Ўзбек оилаларида ота доимо улуғ шахс ҳисобланган. Оқила ва доно оналар фарзандларига оталарини идеал инсон деб кўрсатишган. Қизлар ўта башанг кийинишга отадан ҳайиқишган. Юқорида айтилганидек, қизларимиздан ҳаё пардасининг кўтарилишига сабаб бўлаётган либосларни ҳурматли оналаримиз харид қилаётганларида оиланинг пушти паноҳи бўлмиш оталарнинг мағрур бошлари эгиладиган таъна ва дашномларни эшитишлари мумкинлиги ҳақида нега ўйламайдилар? Бугун ўз отасидан, акаси, амакиси, қўни-қўшниси, устозидан ўта очиқ кийинишга уялмаган қиз эртага қайнотаси, турмуш ўртоғидан уялармикан?

Ўзбек халқининг миллий ғурурларини ифодаловчи бир қанча урф-одатлар, кийиниш меъёрлари мавжуд. Бу меъёрларнинг бузилиши миллий ғуруримизнинг топталишига олиб келмасмикан, бой маънавиятимизга тўсиқ бўлмасмикан?

Келинг азизлар, қизларимизни шарқона ҳаё, ибо, назокат ва малоҳат тарк этмаслиги учун биргалашиб ҳаракат қилайлик. Ахир халқимиз "Оддийлик одоб белгисидир", деб бежиз айтмаган. Истагим, янги ўқув йилидан бошлаб мактабда ягона форма жорий қилинса.

Ўғил болалар қишда оқ кўйлак, қора костюм-шим, ёзда эса оқ кўйлак, қора шим, қиз болалар қишда оқ кофта, қора костюм-юбка, ёзда эса оқ кофта, қора юбка кийиб юришса.

Мактаб ўқувчи қизларининг шим кийиши, ихчам зиракдан бошқа турли тақинчоқлар тақишлари қатъий ман қилинса яхши бўларди. Бу каби жиддий масалаларга эътибор бир лаҳза ҳам тўхтаб қолмаслиги зарур. Ёшларимизга бўлган муносабат келажагимизга қандай пойдевор қўяётганлигимизни англаб етиш билан боғлиқдир. Зеро, халқимизнинг миллий қадриятлари аввало оила, жамият ва умуман ижтимоий ҳаётдаги маънавиятимизга ҳам даҳлдор.

Демак, маънавият ва миллий қадриятларимиз ёшлар тарбиясида ҳам ўз аксини топиши керак. Шундагина, ҳақиқий камолот йўли ойдин ва маърифий йўл бўлади.

Гулруҳ КАРИМБЕКОВА,
ЎзМУ магистранти

ФАРЗАНД — ОИЛА КЎЗГУСИ

Ta'kid

Тарбиячи айни замонда устоз, ўргатувчи демакдир. Ғўдакни маънавий камолотга етаклаб олиб чиқиш тарбиячининг бурчи. Болалар боғчасига кичкинтойларни 3 ёшдан қабул қиламиз. Уларга асосан "Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" таянч дастури асосида таълим-тарбия берилмоқда.

Дастур 3 қисмдан иборат: болаларни жисмонан ривожлантириш; бола нутқи ва тафаккурини ривожлантириш; болаларни маънан ривожлантириш.

Ота-оналар болаларининг жисмонан ривожланишига, нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериб, уларнинг маънан ривожланишига эътиборни сусайтирадилар. Айрим ота-оналар ҳали болам кичик, нимани ҳам фарқига борарди, деб қарайдилар. Ваҳоланки, болаларингизга яхшиликни ва ёмонликни ажратишга ўргатишингиз, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини ва ҳар бир ишини ўз ўрнида бажариш

Ўшанда ҳам сирли учрашувимизга ягона гувоҳ бўлган оймома бошимиз узра шуъла сочиб, дилимизни тотли ҳисларга лиммо-лим тўлдирган эди.

Бошоқлар чайқалсину, Тўлғанмасин бу дунё.

ҚУЛОЧГА СИҒДИРСАМ САМОНИ

ДАВОСИНИ ТОПИБ БЎЛМАС

Машраб ғазалига мухаммас

Қаро тундек кўнглим пора даво излаб кетиб бўлмас,
Ўздин кетсам кетодурман, ёр изидан ўтиб бўлмас,
Нолам фалакка ўрлади адоғига етиб бўлмас,
Менинг рози дили зорим фаровондур битиб бўлмас,
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Дардсиз ошиқ, майсиз соқий, муҳаббатсиз падар йўқтур,
Гулсиз чаман, сувсиз ҳаёт, дарбозасиз шаҳар йўқтур,
Ишқсиз кўнгил, ёрсиз висол, инжуларсиз гавҳар йўқтур,
Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар йўқтур,
Риёзат чекмагунча ёр васлиға етиб бўлмас.

Суйган бандаларин Оллоҳ чин Ҳотамдин фано қилди,
Жаҳонни жўмард полвон ул Рустамдин фано қилди,
Ҳазрати Мир Алишерни як қаламдин фано қилди,
Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано қилди,
Худога бу сабабдин,эй биродар, баҳс этиб бўлмас.

Игнадек санчилур қалбга, бевафо ҳажри, эй Машраб,
Яхшиларга уруш доим ёмоннинг касри, эй Машраб,
Лол айламуш Маҳмудани у дунё ҳашри, эй Машраб,
Узоқ эрмуш ўшал зебо санамнинг қасри, эй Машраб,
Агар минг йил жадал қилсанг, у манзилга етиб бўлмас.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
Тошкент шаҳридаги 274-мактаб ўқитувчиси

ШЕЪРЛАРИМ

Мен сенинг қизингман, осмоним,
Юлдузлар сирдошим — дугонам.
Сен отам — қиблагоҳ паноҳим,
Ой эса онамдир, ягонам.

Қуёш нур таратар қалбимга,
Армоним куяди жизғанак.
Дунёни яширсам дардимга,
Хаёллар хаёлин қизғанар.

Булутлар — кўнглимнинг фиғони,
Ёмғирлар кўзларим томчиси.
Қулочга сиғдирсам самони,
Шеърларим юракнинг бонгчиси.

Нилуфар УМАРОВА,
Қарши шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси

ТАНИШ КЎЧАЛАР

Таниш кўчалардан ҳар ўтганимда
Вужудим чулғайди ажиб ҳаяжон.
Бу йўллар мен учун азиздек жуда,
Ё менга туюлар шундай қадрдон.
Бу йўллар гувоҳдир; қанча-қанчалар
Ёниб суҳбатларга, ҳам боқишларга.
Сабабсиз оққан ёш ва олқишларга.
Ҳамон қатнаяпман шу кўчалардан,
Лекин ёлғиз ўзим, биргина ўзим,
Ҳамон узмаганман умидим сендан.
Шу йўллардан сени излайди кўзим.
Бу йўллар ўзгармас, ҳозир ҳам ўша.
Дарахтлар ҳам ўша, уйлар ҳам ўша.
Ҳаёт ҳам ўзгармай ўтмоқда шоша,
Фақат сен ўзгардинг, ой, йиллар оша.

Раҳима ЖЎРАЕВА,
Мингбулоқ туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси

КЎНГИЛНИ АЙЛАГИН РАВШАН

Кеча қандоқ манинг жону жаҳоним лаҳзалар сенсиз,
Гадо янглиғ сезарман ҳол ки бўлсам шоҳ қадар, сенсиз.

Кўнгил мулки аро ҳижрон келибдир тортибон лашкар,
Асир айлаб ширин жоним қозонгай ул зафар, сенсиз.

Кулиб турган нигоҳингни топай қайдин, билолмасман,
Мудом оқшом каби кечгай нетай тонгу саҳар, сенсиз.

Бу олам бир қафас янглиғ, дилимдир нотавон булбул,
Фироқ ичра агар тотсам туюлгай талх шакар, сенсиз.

Келу васлинг қуёши бу Зарифа кўнглида кулсин,
Ки йўқса ул тополмасдир бу оламдин самар, сенсиз.

Зарифа ЁРИЕВА,
Жондор туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

БУҒДОЙЗОР

Поёнсиз қир-адирда
Товланади буғдойзор.
Унинг шовуллашида
Тўкинлик қўшиғи бор.
Буғдойзор кезарканман
Юрагимда бир нидо —
Бошоқлар чайқалсину,
Тўлғанмасин бу дунё.

Абдусамад ЮНУСОВ,
Зангиота туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

Ijodkor o'qituvchilar anjumani

ОЙДИН ОҚШОМЛАР

(ҚАЛБДА)

Ойдин кеча... Беғубор само саҳнида чарақлаган ғиж-ғиж юлдуз. Кўнглим ғаш бўлсаям бу ойдин кеча мени ўз қучоғига чорлайди... Сўнгсиз хаёллар оғушида аста кезаман. Нигоҳим сув бетида қалқиб турган ой аксига тушди-ю, илк муҳаббатим, сизни эсладим. Эсимда, бир куни мана шу ариқ лабидаги якка тут тагида анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Ўшанда ҳам сирли учрашувимизга ягона гувоҳ бўлган оймома бошимиз узра шуъла сочиб, дилимизни тотли ҳисларга лиммо-лим тўлдирган эди. Энди-чи, бу ҳижронзада юрагимга қил ҳам сиғмайди.

Тўғри, ҳаётим камкўстсиз, ҳеч нарсадан нолимайман. Аммо юрагимнинг султони —илк муҳаббатимни йўқотганман. О, илк севги, ёниқ хотиралар!.. Сизни эсласам дунё кўзимга тор кўринади... Сўлим баҳор оқшоми дилга нечоғлик ором бағишлайди.

Борлиқ оппоқ ҳарир либосда. Назаримда бутун олам гулга кўмилгандай. Тасвирига сўз ожиз бўлган табиат гўзаллиги иккимизни ҳам гўё сеҳрлаб қўйгандай. Мен ҳам, у ҳам жим. Фақат беҳаловат юраклар сирлашади. Ўтли қарашларга кўзлар ҳам бардош беролмайди. Шу ойдин кечадай оқ ҳислар оғушида ложувард само гумбазида мағрур ва масрур сўзлаётган ойга тикиламан. Гўё милт-милт ёғду таратаётган сон-саноқсиз юлдузлар ҳам, ой ҳам борингки, бутун борлиқ бизни қутлаётгандай...

Ўша ойдин кечада биринчи бор дил розингизни изҳор этдингиз. Анчадан буён зориқиб кутганим бу сеҳрли сўзлар мени ажиб ҳолга солди. Шодликданми, кўзларимда олов чақнади. Ҳаёданми, лов-лов ёнган юзларим тафтини босолмасдим. Ўша куни уйгача кузатиб қўйдингиз Уйимиз остонасига етгач эртага ўқишга кетаётганингизни, бот-бот хат ёзиб туришингизни айтганингизда алланечук бўлиб кетдим.

Негаки, сиздан ажралишни асло истамасдим. Ҳеч бўлмаганда кунда бир дийдорингизни кўриб юриш мен учун катта бахт эди-да. Бахтим мени ташлаб узоқ-узоқларга кетаётгандай юрагим орқага тортиб кетди. Аммо сизнинг истагингизга қарши чиқа олмасдим. Ахир ўзим ҳам сиртдан ўқишнияти да эдим.

Кунда ё кунора хат ёзишни канда қилмасдингиз. Сиздан хат олган куним мен учун байрам эди. Ҳар бир мактубингизни ҳаяжон билан энтика-энтика ўқирдим. Афсуски, бу қувончимиз узоққа чўзилмади. Сиз оғир дардга чалиниб қолдингиз. Касалхонада узоқ даволандингизу, бироқ нафи бўлмади, дардингиз ўтиб кетган, дейишди врачлар. Ҳали-ҳануз ана шу қора кунни эсласам бутун вужудим зирқираб кетади. Энди мен учун яшашнинг қизиғи қолмаганди. Ахир энг муқаддас туйғу, илк муҳаббатимдан айрилган эдим. Яхшиямки, дўстларимиз бор экан. Улар мени ёлғизлатиб қўйишмади. Айрилиқ дардини енгишга, ҳаётда ўз ўрнимни топишга кўмаклашишди. Аммо ҳар баҳор, борлиқ оқ кийган кезда қалбим туғёнига бардош беролмай сизни сўроқлаб сарсари кезаман, дардли дилимга таскин берувчи табиат қучоғида хаёлан Сиз-ла суҳбат қураман.

Норгул ОЛИМОВА,
Урганч туманидаги Муқимий номли мактаб ўқитувчиси

***

Тун этагин ёпгач тортқилаб ,
Юлдузларни қўйнига солгай.
Сўнгра куннинг юзи ёришиб,
Гўдак кунни бағрига олгай.

Малла сочи ёйилиб кетмиш,
Жилмайиб жим боққанда қуёш.
У ёйилган сочини сира
Йиғиштирмас қорайгунча қош.

Булбулларнинг сирли хониши
Сўйлаб берар элларга эртак.
Кенгликларни безар яхшилик,
Илк баҳорда кўз очса куртак.

Табиатга оро бергувчи
Сойнинг тўлиб оқишлари бор.
Ҳар фаслнинг ўзгача гашти,
Нозик дилга ёқишлари бор.

Зуҳра ЭШОНҚУЛОВА,
Ургут туман болалар ва ўсмирлар ижодий маркази тўгарак раҳбари

Xullas...

ТУХУМДАГИ МИНИАТЮРАЛАР

Кишинёв шаҳардаги улкашунослик ва этнография халқ музейида ташкил қилинган кургазма зиёратчиларга тулиб кетди. Кургазмага қўйилган пасха тухумларидаги хилма-хил илоҳий шаклар шу қадар ранг-баранг эдики, кирганлар уларни соатлаб томоша қилишарди. Молдавия, Руминия, Украина республикаларидан халқ усталари келтирган тухумларда бир неча аср аввалги халқ ҳунармандчилигини кўрсатувчи суратлар чизилган эди.

Кургазмада жами 60 та миниатюра намуналари намойиш этилди. Улар бир-бирига мутлақо ухшамаслиги билан эътиборлидир.

ОЁҚ ТАГИДАГИ МИЛЛИОНЛАР...

Бухоронинг Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи Маъруф Ражабов тирикчилик қилиш илинжидаги маҳалладошларини кўриб ҳайрон қоларди. Бири кабоб пиширган, бири пистани қовуриб сотган, бири Тошкентнинг "Отчопар" бозоридан кийим-кечак олиб келиб пуллаган... Миллион-миллион сум пуллар эса Бухоронинг дашту далаларидаги туз конларида ётишини улар уйлаб ҳам кўришмасди.

Шу тариқа Маъруф тадбиркорликнинг осон, бели оғримайдиган йўлини топди. Чўлда нима кўп, туз кўп. У ҳамманинг рўзгорига керак. Қопларга солинган тузни эса картонга "Йодланган" деган ёзув билан сотувга чиқарди. Маҳсулот ёрлиғида "Истеъмол қилишга яроқли" деган ёзув ҳам йўқ эмасди. Ваҳоланки, туз ковлаб олинган ҳолида қадоқланиб, сотувга чиқариларди.

"Йодланган", аммо йод билан ҳеч қандай ишлов берилмаган тузни сотиб олганлар соғлиғига зиён ета бошлади. Оёқ тагидаги тузлардан миллионлар ишламоқчи булган фирибгарнинг кўзаси кунига келиб синди.

Энди унинг узи "йодланадиган" бўлди.

БРЮССЕЛДАГИ ЭНГ МИТТИ УЙ

XVII асрда қурилган энг кичик уйнинг "кимошди" савдоси утказилди. Брюсселда тикланган бу уйнинг эни 1,5 метр булиб, тўрт қаватдан иборат. Умумий майдони 18 метр квадрат.

"Кимошди" савдосида 20 минг доллар билан баҳоланган энг кичик уйчанинг нархи 125 минг долларгача кўтарилди. Унинг харидори булган испаниялик Белгия фуқароси Жеф Кеменад бошпана хизматини утай олмайдиган бу уйчада, албатта, яшамайди. У буни уз юрти — Белгиядаги музейлардан бирига топширишга қарор қилди. Жаноб Жеф Кеменад биладики, келгусида музейга кирганлар утмиш экспонатини кўриб, унинг номини ҳам ёдга оладилар.

125 минг долларни малол келмай санаб берган жентелменнинг мақсади, тарихий шахс сифатида тилга олинишдир.

ana shunaqa gaplar...

Qutlov

Ҳурматли Олярхон Расулова! Сизни таваллуд топган кунингиз ва муборак 51 ёшга тўлганингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

ЎзДЖТУ ўзбек тили кафедраси аъзолари

САНЪАТНИ СЕВГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташкил этган мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Мухтор Ашрафий номидаги республика танлови Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатида бўлиб ўтди. Анжуманда 200 дан ортиқ мусиқа асбобларининг сирларини мукаммал биладиган ёш санъаткорлар иштирок этди. Унда республикамизнинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган ёшлар қатнашди. Уч кун давом этган бу анжуман барча санъат шинавандаларининг байрамига айланиб кетди.

Anjuman

Қизғин муросасиз беллашувлар билан ўтаётган анжуман якунларида ғолиблар аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги махсус ўринлар учун ўзининг совғаларини тақдим этди ва кўпчилик санъат шайдолари диплом билан тақдирландилар.

Бироқ Самарқанд вилояти яхши натижаларга эришолмаган бўлса, Жиззах вилояти иштирокчилари "хўжакўрсин"- га қатнашиб, бир-икки бола билан иштирок этиб, анжуман давом этаётган бир вақтда Низомдаги тартибларга бўйсунмаган ҳолда Жиззахга жўнаб кетишди. Андижон вилояти "санъат шайдолари" эса анжуманнинг республика босқичи бўлиб ўтаётганлигидан ҳаттоки бехабар қолиб кетганга ўхшайдилар.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат " мухбири

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Танлов сони № 10. Эълон қилинган куни 2001 йил 2 май

Осиё Ривожланиш Банкининг 1595 (МЖ)-ЎЗБ рақамли Кредити бўйича амалга оширилаётган "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари учун ижара усули асосида дарсликлар харид қилиш мақсадида танлов эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Осиё Ривожланиш Банки билан "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар харид қилишга маблағ ажратиш тўғрисида келишган.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Харидор) умумтаълим мактаблари учун харид қилинадиган лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги ўзбек тилидаги дарсликларни танлов ҳужжатларининг IV бобида белгиланган тарзда чоп этиш, бутлаш, маркировка қилиш бўйича танловда қатнашиш учун Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган барча нашриётлар ва фирмаларни таклиф этади.

3. Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан қўшимча маълумот олишлари мумкин:
Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Лойиҳа менежери Г.Ш.Тугеевага

Тошкент шаҳри —700027 Ўзбекистон кўчаси 80-уй, "Ўқитувчилар уйи" 311-хона.
Алоқа учун телефон (998-71) 1391573
факс № (998-71) 1391571
Эл. почтаси: uzbpiu globalnet.@uz

4. Танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун танлов иштирокчилари 3-бандда кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари ва Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки Марказий Амалиёт бўлимидаги 20203000100101044001 сонли ҳисоб рақамига 300 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентига тенг бўлган қийматини ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда корхонанинг ишонч хатини тавсия этишлари зарур бўлади.

5. Барча таклифлар танловнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этадиган Банк кафолати билан бирга 2001 йилнинг 15 май соат 10.00 гача топширилиши шарт.

6. Танлов таклифлари 2001 йил 15 май соат 10.30 да Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй, 5-қават, Халқ таълими вазирлигининг кичик мажлислар залида барча иштирокчилар вакилларининг ўртасида муҳокама қилинади.

7. Таклифнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этган Банк кафолатини 2001 йил 15 май соат 10.30 гача тавсия этолмаган танлов иштирокчилари танловда қатнаша олмайдилар.

8. Халқ таълими вазирлиги танлов таклифларини тайёрлаш жараёнида иштирокчиларнинг сарф этган харажатларини тўлаш мажбуриятини олмайди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур (собиқ Октябрь) туманидаги собиқ 21-кечки мактаб томонидан 1972 йилда Браверман Самуил Наумович номига берилган 167657 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт "Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси" кафедра мудири, доцент М.Абдуллаевга оналари **Хосият аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоаси "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Мактуба Шамсиевага умр йўлдоши, филология фанлари доктори, профессор **Ориф САИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоаси "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасининг собиқ доценти, филология фанлари номзоди **Тожихон ТУРСУНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2417. Тиражи 38.105.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.